

10-1-2020

MAIN DIRECTIONS OF IMPROVING STATE FINANCIAL CONTROL IN UZBEKISTAN

M. Abidov
Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Abidov, M. (2020) "MAIN DIRECTIONS OF IMPROVING STATE FINANCIAL CONTROL IN UZBEKISTAN,"
International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 5 , Article 2.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss5/2>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

М.И.Абидов
Тошкент молия институти

ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақола давлат молиявий назоратининг моҳияти ва Ўзбекистонда давлат молиявий назорати муаммоларига бағишланган. Мақолада келтириб ўтилган муаммолар асосида давлат молиявий назоратининг давлат молиясини бошқариш тизимидаги аҳамияти очиқланган. Мақолада Ўзбекистонда давлат молиявий назорати органлари фаолиятининг ҳозирги ҳолати ва давлат молиявий назоратини такомиллаштириш йўналишлари ўрганиб чиқилган. Шунингдек, давлат молиявий назоратининг халқаро органлари ва ташкилотларининг фаолияти кўриб чиқилган. Бундан ташқари, мақолада давлат молиявий назорати органлари фаолиятининг шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари, ҳозирги кунда давлат молиявий назорати тизимида учраётган муаммолар, ҳамда ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича йўналишлар ва таклифлар келтирилган.

Таянч сўзлар: давлат молиявий назорати, молия тизими, молиявий назорат, молиявий барқарорлик, бюджет қонунчилиги.

MAIN DIRECTIONS OF IMPROVING STATE FINANCIAL CONTROL IN UZBEKISTAN

The article is devoted to the essence of state financial control and issues of state financial control in Uzbekistan. On the basis of the issues identified in the article revealed the role of state financial control in the public finance management system. Also, considered international bodies and organizations of financial control. In addition, the stage of formation of the activities of state financial control, problems in system of state financial control, given the ways and suggestions for elimination of these problems. The article analyzes the current situation of the state control system and considers promising directions for improving financial control in the Republic of Uzbekistan.

Key words: state financial control, financial system, financial control, financial stability, budget legislation.

КИРИШ

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда иқтисодиётнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш долзарб ҳисобланади. Молиявий барқарорликни таъминлашда давлат молиявий назорати тизими фаолиятининг юқори самарадорлигини ҳамда молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади. Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек - “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори

суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш - энг муҳим устувор вазифамиздир” [1].

Жаҳон иқтисодиёти коронавирус пандемияси сабабли юзага келган инқироздан сезиларли даражада қийин аҳволга тушиб, унинг барқарорлиги хавф остида қолмоқда. Бундай қийин шароитда бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини назорат қилиш муҳимдир.

Давлат молиявий назоратини ташкил этишда кейинги йилларда мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилди. Аммо бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг талон-тарож қилиниши, мақсадсиз ишлатилиши каби ҳолатлар ҳозирда ҳам тез-тез учраб турибди. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш борасида давлат молиявий назорати фаолиятини такомиллаштириш, бу борада хорижий давлатлар тажрибаларидан кенг фойдаланиш, соҳада рақамли иқтисодиёт ва инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш долзарб бўлиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Давлат молиявий назоратини такомиллаштириш масалаларига иқтисодчи олимларнинг асарларида кенг эътибор қаратилган.

Россиялик иқтисодчи олим Ю.К.Баранова давлат молиявий назоратига бюджет ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи, бюджет қонунчилиги ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужатларга риоя этилишини таъминлашга қаратилган молиявий сиёсатнинг дастаги ҳисобланади, деб таъриф берган [2].

И.ф.д., профессор А.В.Ваҳобов ва и.ф.д., профессор Т.С.Маликовлар ўзларининг “Молия: умумназарий масалалар” номли ўқув қўлланмасида молиявий назорат - ҳам давлатнинг ва ҳам бошқа барча иқтисодий субъектларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлашга қаратилганлигини таъкидлашган [3].

Иқтисодчи олим А.В.Пенчукнинг фикрича, давлат молиявий назорати давлат ва муниципал молияни бошқаришнинг функционал элементи [8].

Бошқа бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрича, молиявий назорат бухгалтерия ҳисобида активлар ва бошқа молиявий операциялар бўйича хато ва фирибгарликлардан ҳимоя қилишга қаратилган амаллардир [7].

Иқтисодчи олимлар Э.А.Осадчий ва Э.М.Ахметшинларнинг фикрича, молиявий назоратнинг асосий мақсади ташкилотнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва стратегик режаларни бажариш учун ресурсларни тўплашдир [6].

Россиялик иқтисодчи олим Д.С.Вагапованинг таъкидлашича, молиявий назорат хўжалик ва молиявий операцияларни амалга оширувчи бошқарув объектлари устидан назорат ўрнатишдир [4].

Бошқа бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрича, молиявий назорат ташкилот фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланиб, фаолиятнинг оқилона

сиёсатини ишлаб чиқиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш, маблағлардан самарали фойдаланишга хизмат қилади [5].

Юқорида келтириб ўтилган фикрларда молиявий назоратнинг умумий масалалари, шунингдек корхона доирасида молиявий назоратни ташкил этишга кенг эътибор қаратилган. Бироқ тадқиқотларда давлат молиявий назорати тизимида учраётган мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмаган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Давлат молиявий назоратини такомиллаштиришга оид тадқиқотларни олиб боришда, индукция, дедукция, гуруҳлаштириш, таққослаш каби методлардан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Иқтисодиётнинг мураккаб шароити ва рақамли иқтисодиётга ўтиш йўлида молиявий назорат жараёнида эришиладиган натижаларнинг самарадорлиги ва ишончлилиқ даражасини ошириш учун молиявий назоратнинг натижадорлигини ошириш муҳим зарурат бўлиб бормоқда. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан доимий назорат олиб борилмоқда. Қуйидаги расмда 2019 йилда Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилган текширув натижалари келтирилган (1-расм).

Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан 2019 йилда ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган бюджет қонунчилигини бузилиш ҳолатлари.

Давлат молиявий назорати департаменти томонидан 2019 йилда ўтказилган 10 334 та молиявий назорат тадбирларидан 8028 таси (78%) да 488,3 млрд сўм миқдорда қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа хато-камчиликлар аниқланиб, шундан 253,2 млрд сўмни (52%) бюджет ва мақсадли жамғармалар ҳамда хўжалик субъектлари ҳисоб рақамларига тикланиши таъминланди.

2019 йилда амалга оширилган назорат тадбирлари якунларини 2018 йилдаги кўрсаткичлар билан таққослаб, таҳлил қилинганда, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан назорат тадбирлари сони 1,4 мартага кўп ўтказилган бўлса, аниқланган молиявий интизомни бузилиш ҳолатлари 2,1 мартага, бюджетга тикланган маблағлар 2,5 мартага кўпайган.

Ҳисобот даврида тасдиқланган иш режа ҳамда Ҳукумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг топшириқларига асосан 8 074 та бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли сарфланиши ва молиявий интизомга риоя этилиши юзасидан назорат тадбирлари ўтказилган бўлиб, шундан 6 616 таси (82%) да 142,6 млрд сўмлик қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ушбу харажатларнинг 129,1 млрд сўми (91%) ни давлат бюджетига тикланиши таъминланди.

1-расм. Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан 2019 йилда ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган бюджет қонунчилигини бузилиш ҳолатлари¹

¹ Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги Давлат молиявий назорати бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдик, Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари ўтказилган текширувлардан 78% да қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган бўлса, 52% субъектларда бюджет ва мақсадли жамғармалар ҳамда хўжалик субъектлари ҳисоб рақамларига маблағларнинг тикланиши таъминланган. 2019 йилда 2018 йилга нисбатан назорат тадбирлари сони 1,4 мартга кўп ўтказилган бўлса, аниқланган молиявий интизомни бузилиш ҳолатлари 2,1 мартага, бюджетга тикланган маблағлар 2,5 мартага кўпайган.

Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари молиявий назоратнинг самарадорлигини таъминлашда, аввало, унинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўрганиши талаб этилади.

“Назорат” атамаси “Бошқарув” атамаси билан узвий боғлиқ бўлиб, объектни бошқариш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, айниқса мураккаб тизимларни бошқаришда, тегишли назоратсиз тўлақонли амалга ошириб бўлмайди.

Назорат тартибга солиш тизимининг ажралмас қисми ҳисобланиб, унинг ёрдамида тизим бошқарувчиси тизимнинг ҳақиқий ҳолати тўғрисида керакли маълумотларни олади ҳамда ҳақиқатда амалга оширилган ишларни баҳолаш имкониятини инобатга олган ҳолда, номақбул оқибатлар билан боғлиқ оғишларни аниқлаш имконини беради.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида давлат молиявий назорати тушунчасини тавсифлашга ҳаракат қилдик. Фикримизча, давлат молиявий назорати – бу молиявий қонунчиликка риоя қилишни таъминлаш ва давлатнинг бюджет ва бюджетдан ташқари даромадларининг мақсадсиз сарфланишига йўл қўймаслик борасида давлатнинг молиявий сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизими ҳисобланади. Давлат молиявий назорати молиявий сиёсатнинг муҳим воситаси ҳисобланади ва у Ўзбекистон Республикасининг бюджет қонунчилиги ва бюджет муносабатларини тартибга солувчи бошқа бюджет тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинишини таъминлашга қаратилган.

Сўнгги йилларда бюджет тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан мамлакатимизда амалга оширилаётган бюджет соҳасидаги ўзгаришларни фойдаланувчиларга етказиб бериш, маълумотларнинг шаффофлиги ва очиқлиги бир мунча таъминланади.

Назорат органларининг аниқ белгилаб берилган ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва ваколатлари кўрсатилган ягона тамойиллар, меъёр ва меъёрий ҳужжатлар Давлат молиявий назорат тизимининг “пойдевори” бўлиши лозим.

Ҳар қандай назорат органи самарали фаолиятни амалга ошириши учун мустақиллик ва ҳолислик тамойиллари унинг ишлаш тамойиллари бўлиши

керак. Давлат молиявий назорати тизимининг асосий стратегияси, давлатнинг фаолияти стратегияси ва манфаатларига мос бўлиши керак.

Шундай қилиб, молиявий назоратнинг самарали тизимини яратиш орқали иқтисодий соҳада хавфсизликни ва фуқароларнинг манфаатларини максимал даражада ҳимоя қилишни таъминлаш давлатнинг асосий манфаатлари ҳисобланади.

Давлат молиявий назоратининг самарали фаолият юритиши бюджет маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланишнинг узлуксиз жараёнини таъминлайди.

Замонавий шароитда бюджет-молия соҳасида назоратнинг самарадорлигини ошириш муаммоси юзага келади, чунки мамлакат бюджетининг ҳолати ва аҳоли фаровонлиги, давлат молиявий назорати самарадорлигига ва назорат органларининг фаолиятини ташкил қилишга боғлиқ.

Шу сабабли, давлат молиявий назорати самарадорлигини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий вазифа ҳисобланади, чунки унинг ечими давлатнинг бутун ижтимоий-иқтисодий сиёсати, шу жумладан бюджет сиёсатининг сифатини оширишга ёрдам беради.

Давлат молиявий назорати тизими ўзининг шаклланиш ва ривожланиш босқичида миллий ва хориж тажрибаларни умумлаштириш асосида ишлаб чиқилган илмий асосланган услубий ва амалий тавсияларга муҳтож бўлади. Давлат бошқаруви ва назорат субъектлари учун назорат тадбирларини режалаштириш, ўтказиш ва умумлаштиришнинг ягона мезонларини яратиш унинг самарадорлигини оширишнинг зарурий шартидир.

Давлат молиявий назорати давлатнинг молиявий сиёсатини амалга ошириш ва молиявий барқарорлик учун шарт-шароитлар яратиш учун мўлжалланган. Барча давлатларда ўзининг тузилиши ва давлатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзларининг молиявий назорат тизимларини ишлаб чиқдилар.

Амалиётда барча мамлакатларда давлат маблағларининг сарфланиши устидан парламент назоратининг махсус институтлари мавжуд. Жумладан, Россия Федерациясида – Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси, АҚШда – Конгресснинг бюджет-назорат бош бошқармаси, Буюк Британияда – Миллий назорат-тафтиш бошқармаси, Канадада – Бош тафтишчи идораси, Францияда – Ҳисоблар суди, Австрия, Германия, Венгрияда – Бундестаг ва парламентнинг Ҳисоб палаталари.

Жаҳонда давлат молиявий назоратининг шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари 1-жадвалда келтирилган.

Айрим мамлакатларда (Австралия, Канада, Буюк Британия, Дания, Ҳиндистон, Миср, Ирландия) давлат молиявий назорати функциялари алоҳида мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади. Бошқа давлатларда (Беларусь, Литва, Молдавия, Кипр, Албания, Исроил, Афғонистон, Иордания, Индонезия, Колумбия, Монако) давлат назорати хизмати ваколатлари ҳисоб идораларига юклатилган.

**Жаҳонда давлат молиявий назоратининг шаклланиши ва
ривожланишининг асосий босқичлари²**

Йил	Ҳодиса
1314 йил	Англия давлат ғазнасининг Бош назоратчиси лавозими жорий қилинди
1319 йил	Францияда Ҳисоб палатаси тузилди
1365 йил	Наварра қироллиги Ҳисоб палатаси ташкил қилинди (Испания)
1761 йил	Австро-Венгрия Ҳисоб палатаси ташкил қилинди
1862 йил	Италия Ҳисоб палатаси тузилди
1920 йил	Ҳисоб ва Молиявий фаолият устидан назоратнинг тамойилларига бағишланган бўлимни ўз ичига олган Австрия Конституцияси қабул қилинди.
1921 йил	АҚШда Қонун чиқарувчи ҳокимият доирасида мустақил сиёсий агентлик сифатида Бош бюджет-назорат бошқармаси ташкил қилинди.
1977 йил	Лимда INTOSAI нинг IX Конгрессида (Молиявий назоратнинг олий органлари Халқаро ташкилотининг демократик жамиятда давлат молияси устидан ташқи назоратнинг асосий тамойиллари ва вазифалари белгиланган Декларация қабул қилинди.

Бундан ташқари, айрим мамлакатларда (Франция, Италия, Руминия, Тунис, Аргентина, Гаити, Жазоир, Гвинея, Марокаш, Словения) молиявий назорат органлари функцияларини ҳисоб судлари амалга оширади. Шунингдек, айрим мамлакатларда назорат функцияларини давлат бош инспекцияси, ҳисоб палаталари, назорат палаталари ва тафтиш палаталари амалга оширади.

Парламент назорати институтларидан ташқари, аксарият мамлакатларда ижро этувчи ҳокимият ёки ҳукумат назорати деб аталадиган назорат тизими, шунингдек давлат бошлиғи ҳузурида молиявий назорат органлари (президент назорати) ҳам мавжуд.

Саноати ривожланган мамлакатларда молиявий назоратни ташкил этишга ёндашувлар 1977 йилнинг октябрь ойида Молиявий назоратнинг олий органлари Халқаро ташкилотининг IX Конгрессида қабул қилинган молиявий назоратнинг бошқарув тамойиллари тўғрисидаги Лим декларациясида (INTOSAI) ифодаланган.

Декларация Ғарб мамлакатларида мустақил давлат бюджет-назорат органлари демократик жамиятнинг ажралмас атрибути, давлатнинг молиявий маблағларини бошқаришнинг мажбурий элементларидан бири ҳисобланади, деган умумқабул қилинган фикрларни ўзида акс эттирган. Декларацияда бошқарув тизимининг ҳилма-хиллиги, хўжалик юритиш фаолиятини молиявий-иқтисодий ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва назорат фаолияти амалиётини ҳисобга олган ҳолда турли хил мамлакатларнинг давлат молиявий

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

назорати органлари фаолиятини ташкил этишнинг тажрибалари умумлаштирилган.

Давлат молиявий нazorати органларининг фаолияти масалаларига тўхталганда, баъзи тадқиқотчилар нazorат органларининг кадрларини тайёрлаш муаммоларига эътибор қаратишади.

Ҳозирги кунда мавжуд меъёрий-ҳуқуқий база доимий равишда ўзгариб бораётганлиги ва нazorат органлари маълумотларининг етарли даражада очик эмаслиги сабабли, бу муаммо бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ишончли маълумотларни ўз вақтида тақдим қилиб борилишига молиявий муносабатларнинг барча иштирокчилари, яъни нazorат органлари ҳам ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳам манфаатдордирлар.

2-жадвалда ҳозирги кунда давлат молиявий нazorати тизимида учраётган мавжуд муаммолар ва ушбу муаммоларни бартараф қилиш бўйича таклифларимиз келтирилган.

2-жадвал

Давлат молиявий нazorати тизимида учраётган мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўналишлари³

Т/р	Мавжуд муаммолар	Муаммоларни бартараф этиш йўналишлари
1	Меъёрий-ҳуқуқий базанинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ва давлат молиявий нazorат органлари фаолиятининг параллеллиги.	Молиявий нazorатни амалга ошириш методологиясинининг ягоналигини таъминлаш, республикада молиявий нazorатнинг стандартлари тизимини белгилаш, мамлакатда давлат молиявий нazorатини ўтказишнинг ягона концепциясини қабул қилиш ва тасдиқлаш.
2	Нazorат тадбирларини ўтказишнинг ягона стандартларининг мавжуд эмаслиги ва юқори салоҳиятли кадрларнинг етишмаслиги.	Молиявий нazorат тизимида юқори салоҳиятли кадрларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш.
3	Аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича ягона ахборот базасининг мавжуд эмаслиги ва тажриба алмашиш учун халқаро органлар билан ҳамкорликда ишлаш даражасининг пастлиги.	Давлат молиявий нazorатининг натижадорлигини ва ахборот очиклигини ошириш ҳамда давлат молиявий нazorатини амалга ошириш самарадорлигини такомиллаштириш асосий мақсади бўлиши керак бўлган энг сўнгги замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш. Давлат молиявий нazorати тизимини янада ривожлантириш мақсадида ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш.

Ушбу муаммоларни бартараф қилиш учун ҳозирги кунда Давлат молиявий нazorатини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат молиявий нazorатнинг ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, стандартлаштириш, оптималлик ва баланслилик йўналишларида умумий ривожлантириш орқали давлат молиявий нazorати

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

тизимининг ягона концептуал асосларини шакллантириш ва ривожлантириш ишлари амалга оширилмоқда.

ХУЛОСА

1. Давлат молиявий назорати мамлакат молиявий тизимини бошқаришнинг муҳим дастакларидан бири ҳисобланади ва давлатнинг молиявий сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга, давлатнинг бюджет қонунчилигига риоя қилиш ва бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишга ёрдам беради. Молиявий назорат барча даражадаги бюджетлар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларни тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш жараёнларини қамраб олади. Таъсирчан ва самарали давлат молиявий назорати демократик ва қонун устувор жамиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бундай назорат жамоатчиликка давлатнинг молиявий ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида объектив маълумотларни тақдим этишни таъминлайди, бу ўз навбатида давлат бошқарув органларининг молиявий бошқарувнинг қонунийлиги ва самарадорлиги учун жавобгарлигини англатади.

2. Фикримизча, Ўзбекистон Республикасида молиявий назоратнинг стандартлари тизимини фаол ривожлантиришга катта эътибор қаратилиши лозим. Шакллантириладиган тизим давлат молиясини бошқаришнинг ҳар бир босқичида унификациянинг замонавий талабларига максимал жавоб бериши ва молиявий назоратни амалга ошириш услубиётининг ягоналигини таъминлаши лозим.

3. Замонавий ҳуқуқий давлатда фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда, шу жумладан молиявий соҳада ҳам очиқ ахборот майдони муҳим рол ўйнайди, деган хулосага келдик. Бу масалада молиявий назорат тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш зарур ҳисобланади. Молиявий ҳуқуқ соҳаси мутахассисларини молиявий назоратни амалга оширишда коррупция элементларининг олдини олишлари ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. -8- б.

2. Баранова Ю.К. Государственный финансовый (бюджетный) контроль сегодня // Социально-экономические явления и процессы. – 2018. – Т. 13. № 1. – С. 87-91.

3. Ваҳобов А. В., Маликов Т.С., Молия: умумназарий масалалар (ўқув қўлланма) / Тошкент Молия институти. – Тошкент, 2007.

4. Вагапова Д.С, Учебное пособие по дисциплине «Финансовый контроль» для направления подготовки 38.03.01 Экономика, профиль «Финансы и кредит» - Махачкала: ДГУНХ, 2019. – 164с.

5. Гришин В., Надарейшвили Г. Финансовый контроль как инструмент принятия управленческого решения.// Право и управление. XXI век. №1 (26)/2013

6. Eduard Aleksandrovich Osadchy, Elvir Munirovich Akhmetshin. Development of the Financial Control System in the Company in Crisis. // Mediterranean Journal of Social Sciences MCSER Publishing, Rome-Italy. Vol 6 No 5 S2 September 2015

7. John Wachira Wakiriba, Mr. Solomon Ngahu, Mr. Juma Wagoki. Effects Of Financial Controls On Financial Management In Kenya's Public Sector: A Case Of National Government Departments In Mirangine Sub-County, Nyandarua County. // IOSR Journal of Business and Management (IOSR-JBM). Volume 16, Issue 10.Ver. III (Sep. 2014), PP 105-115. www.iosrjournals.org

8. Пенчук А. В. Государственный финансовый контроль в Российской Федерации и направления его совершенствования // Концепт. – 2014. – № 07 (июль).